
ТАДБИРКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Бош вазир қабулхонаси ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши ташаббуси билан туманимизнинг Қўрғонобод МФЙ ҳудудидаги илғор тадбиркор, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, "Азамат қурилиш-Бувайда файз" хусусий корхонаси раҳбари Шуҳрат Назиров иштирокида учрашув уюштирилди. 50 нафардан зиёд ёшлар ва аёллар қатнашган тадбирда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганларнинг қизиқишлари, кўникмаларини ривожлантириш мақсадида "мастер-класс" тадбири ҳам ўтказилди. Иштирокчилар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритиш, яратилаётган шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан туман Кенгаши депутатига мурожаат қилиб, тегишли жавоблар олишди. Тадбир ниҳоясида Ш.Назиров қатнашчиларни ўз иш жараёни ва келгусида режалаштирган лойиҳалари билан яқиндан таништирди. Бувайда туманидаги Бош вазир қабулхонаси ахбороти.

2021-04-28 12:00:37